


Эртага Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг V курултойи иш бошлайди



Insonga naf keltirish — oliy baxt



Ishonch

Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ислом КАРИМОВ

2008-yil
25-noyabr, seshanba
№142 (2555)

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуrolли кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шарoитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқдoси ва таранлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилди.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ фуқароларнинг мuddатли ҳарбий хизматни ўташ мuddати ўн икки ой этиб белгиланган.

Фуқароларни танлов асосида мuddатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилган, қақурув комиссияларининг ишида ошқораликни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамағатларининг вакиллари киритилган.

Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Мuddатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маоши миқдорлари икки баравар кўпайтирилди, улар заҳирага бўшатиладиган бериладиган нафақа миқдори энг кам иш ҳақининг ўн олти бараваригача оширилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз олий ўқув юртиларида армиянинг мардлик ва матонат мактабини ўтаган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича аъло натижаларга эришган 22 миңдан зиёд ёшлар таълим олмақда.

Фуқароларнинг мuddатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида қўрилган чора-тадбирлар Қуrolли Кучларни қақурулувчилар билан тўлдириб олиш сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси жиҳатидан равишда ошди, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўзгарди.

Шу билан бирга, фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга йилига икки марта (баҳорда ва кузда) қақурушининг асосан эскича, армияга қақурушининг совет тизимидан қолган одатига таянган мавжуд амалиёти (ўшанда Қуrolли Кучларда хизмат қилиш мuddати 24 ой ва ундан кўпроки ташкил этар эди) мuddатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар тайёргарлиги тизимида катта муаммоларни келтириб чиқариб, уларнинг хизмат сифатли ўташига ва ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича замонавий мураккаб дастурларни тўлиқ ўзлаштириб олишларига имкон бермапти.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ҳамда сафарбарлик жиҳатидан тайёргарлигини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Қуrolли Кучлар Бирлашган штаби ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг тақлифларида розилик берилсин ва 2009 йилдан бошлаб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуrolли Кучларда мuddатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — феврал-март ойларида қақуриш;

белгиланган мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари заҳирасига март-апрел ойларида бўшатиш.

2009 йилда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни заҳирага бўшатиш даврида 2008 йил кузида мuddатли ҳарбий хизматга қақурилган фуқаролар ҳам, истисно тариқасида, заҳирага бўшатилисин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республи-

каси фуқароларининг сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 99-сон қарорида белгиланган фуқароларни сафарбарлик қақуруви заҳирасидаги хизматга қабул қилиш ва улар томонидан ҳар ойлик ҳарбий йиғинларни ўташининг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

2. Мудофаа вазирлиги (Қ.Бердиев): йилига бир марта белгиланган мuddатларда фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга қақуришни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни заҳирага бўшатиш борасидаги зарур тадбирлар комплексини амалга оширишни; мuddатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосларни сифатли ўзлаштириб олишни, шунингдек, ахборот-компьютер технологиялари асосланган таълимнинг замонавий шакли ва услубларини кенг жорий этишни;

мuddатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик қақуруви заҳираси хизматчиларини жисмоний ва маънавий камол топтиришга, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимосига шай туриш руҳига асосланган мукамал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини янада оширишни таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) Мудофаа вазирлиги (Қ.Бердиев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлубов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда мудофаа ишлари бошқармалари қақурув пунктлари, чегара қўшинлари ва МХХ ҳарбий қисмлари, ИИБ Қоровул қўшинлари ўқув пунктлари инфрақурилишини такомиллаштиришга, уларни моддий-техник ашёлар, тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашга, Қуrolли Кучларни замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овاق билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Молия вазирлиги (Р.Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Б.Хўжаев) фуқароларни йилига бир марта мuddатли ҳарбий хизматга қақуришни ташкил этиш ва таъминлашнинг мақсади ваифаларини амалга ошириш учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида хизматни ўташда мудофаа, ички ишлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизмати бюджетдан молияларнинг тартиби ва параметрларига уларнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича аниқлик киритсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ҳаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқўли) Ўзбекистон Республикаси фуқароларни, айниқса, ёшлар ўртасида фуқароларни хизматга қақуриш ва уларнинг мuddатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тушунириш ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш таъминласин.

6. Адлия вазирлиги (Р.Мухитдинов) Мудофаа вазирлиги (Қ.Бердиев) билан биргаликда 2009 йилнинг 1 январигача мuddатда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу Фармон талабларига мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 20 ноябр



Сўз делегатларга

Касаб уюшмасининг ўрни бор

— Вилоятимизда касаб уюшма ташкилотларининг спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлиги учун шарт-шароитлар яратишда ўз ўрни бор. Турли мусобақалар иштирокчиси бўлган ёшларимиз профессионаллар ўртасида ҳам омадларини синая қўришапти. Натижалар эса ёмон эмас. Биргина кураш бўйича менга жаҳон чемпиони бўлишдек юксак бахт nasib этди. Абдулла Тангриев, Давлат Чориев сингари полвонларга дунё тан берди. Бугун Республика биринчиликларида муваффақият қозонаётган ёшларимиз эртанги жаҳон чемпионлари бўлишса, не ажаб.

Равшанбек МАХМУДОВ, кураш бўйича жаҳон чемпиони

Сафимиз кенгаймоқда

— Спорт — инсон учун ҳам жисмоний, ҳам руҳий мактаб. Енгил атлетика бўйича фидойи устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Клар Шокиржонованинг меҳри гаплари боис спортга дўст тутиндим. Дастлаб туман ва вилоят мусобақаларида катнашдик. Бугун сафимиз кенгайиб, Республика биринчилиги ва кубоги баҳсларида, хатто Марказий Осиё чемпионатида иштирок этаймиз.

Ситора ҲАМИДОВА, енгил атлетика бўйича спорт устаси

Эксклюзив интервью

Баҳодир ТОҶИЕВ, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси

Спартакиадалардан жаҳон майдонларига

— Инсон жисмонан ва ақлан баркамол бўлгандагина бахт аталмиш буюк неъматни тўла-тўқис ҳис қилади. Агар таъбир жоиз бўлса, сиз ҳам шундай неъмат яратувчилари сафидасиз. Баҳодир Мухиддинович, Касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти V Курултойини қандай ўй-кечинмалар билан кутиб олмақдасиз?

— Сўнги беш йилда амалга оширилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, ютуқлар ҳам, муаммолар ҳам анчагина экани кўзга ташланади. Низомни кўриб чиқялмиз. Низомнинг янги таҳрири бўйича махсус комиссия иш олиб борапти.

Сўнги йилларда касаб уюшма тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони бироз қискарди. Лекин биз штатларни қисқартириш асносида илҳом борица тарбияланувчилар билан бевосита ишлайдиган мураббийларни сақлаб қолиш йўлини танақлади. Шунингдек, шуғулланувчилар сонига ўзгартиш бўлмаслигига эътибор қаратдик.

Кейинги йилларда туманларда турли спорт ташкилотлари, масалан, спорт кўмиталари ва ундаги штатларнинг қисқариши кузатилаётгани сир эмас. Касаб уюшма спорт жамияти кенгашлари эса, қараб турганингиздек, ишлаб турибди. Аммо уларнинг фаоллигини ошириш лозим. Давр талаби шу.

Уларнинг намунали фаолият қритиши учун вилоят

кенгашларимизнинг фаоллигига, ёрдамига эҳтиёж сезилади.

— Халқаро турнирлар, қитъа, жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг зафар қўшишларига эндиликда бутун дунё кўникиб қолди. Фолблар сафида касаб уюшма вакиллари ҳам бошқа жамиятларникидан асло кам эмас. Энг муҳими эса, бу ўринбосарлар учун маҳорат мактаби вазифини ўтаётган Марказий кенгаш тасарруфидаги БУСМлар фаолиятидир. Ушбу йўналишдаги ишларни яхшилаш учун нималарга аҳамият бериш лозим, деб ўйлайсиз?

— Юртбошимиз ўз сўзларида фарзандларимизнинг замонавий спорт иншоотларида энг яхши жиҳозларда шуғулланиши лозимлигини кўп бора таъкидлайди. Катта спортда муваффақият қозонишни асосий талабларидан бири ҳам халқаро талабларга жавоб берадиган мажмуаларда, жиҳозларда машғулот ўтказишдир. Албатта, барча талабларга мос келадиган мактабларимиз хали етарли эмас. Сўнги йилларда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясини кенгаши спорт мактабларининг молиявий аҳолини яхшилаш учун уларни қайта ислоҳ қилаётгани, маблаглар ажратаётгани қувончлидир. Демак, танлаган йўл туғри. Фақат муваффақиятлар янада кўпроқ бўлиши учун барча бирдек ишлаши керак.

(Давоми 2-бетда)

Спортимиз солномасидан

Энг оммавий, жамоат ташкилати бўлган касаб уюшмалари давлат дастури доирасида жисмоний тарбия ва спортни соғлом турмуш тарзига бўлган эҳтиёжини тарбиялаб, барча тармоқлардаги меҳнатқашларнинг, уларнинг оила аъзолари, ногирон ва фақирлар, болалар ва ўсмирлар орасида жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларини олиб боради.

Ўтган беш йил давомида жамиятнинг бошланғич жисмоний тарбия ташкилотлари сони 5352 тага өтди. Жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клублари таркибига 9131 та бошланғич касаб уюшма ташкилотлари кириб, бу республикамизда мавжуд касаб уюшма ташкилотлари умумий сонининг 36 фоизини ташкил этади.

Соғломлаштириш гуруҳлари ва спорт секцияларида 629,8 миң одам мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда.

Хисобот даври мобайнида жамиятнинг жисмоний тарбия ташкилотларида 757 миң «Алпомиш ва Барчиной» совриндорлари, 260 миңга яқин оммавий разрядли спортчилар, 3462 нафар биринчи разрядли спортчилар, 597 нафар спорт усталари, 95 нафар халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрланди.

Касаб уюшмалари спортни нафақат соғломлаштириш ва оммавийлик майдони, балки спорт усталари тайёрлаш ўчоғи ҳам бўлиб қолмоқда.

Гимнастикачи Оксана Чусовитина, курашчилар Александр Доктуровилли, Дилшод Орипов, дзюдочи Миралли Шарипов, эшак эшиш усталари Вадим Меньков, Алексей Мочалов, енгил атлетикачилар Светлана Радзивиля, Гузал Хуббиева, велоспортчи Сергей Лагути халқимизнинг кучи, гурури ва гузаллигини бутун дунёга ёйиб келмоқда.

ЎзКУФК ЖТСЖнинг беш йиллик фаолияти мобайнида жамият спортчилари 2004 йилда Афинада ўтган XXVIII Олимпия ўйинлари, Дохадаги (Қатар, 2006 й.) XV Осиё ўйинлари ҳамда Пекиндаги (2008 й.) XXIX 8та Олимпия ўйинларида иштирок этдилар.

Афинадаги Олимпия ўйинларида терма жамоамиз норвежий ҳисобда бешта медал (2 та олтин, 1 кумуш, 2 та бронза) билан 34-ўриндан жой олди.

Грецияга борган Ўзбекистон спортчилари таркибиде 32 нафар касаб уюшма спортчилари бўлиб, уларнинг натижалари қуйидагича бўлди: Александр Доктуровилли юнон-рум кураши, олтин медал, Бехзод Хидиров бокс, 6-ўрин. Антон Яхов, Дмитрий Стрижов, Сергей Борзов эшакда эшиш баҳсларида кучли ўлиққа киришди.

Пекиндаги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси 6 та медал соҳиб бўлиб, яқунда 40-ўринни эгаллади. Ўзбекистон спортчилар делегациясининг таркибига 17 та касаб уюшма спортчилари кирган эди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон миллий терма жамоалари таркибига 219 нафар касаб уюшма спортчиси киритилган, 225 нафар спортчи номзодлар сафидадир.



(Боши 1-бетда)
— **Изланувчанлик ва ташаббускорлик бор жойда эришилган ютуқлар билан чекланб қолишга йўл қўйилмайди. Билъакс, янги ва янги марраларга интилиш кенг кўлам касб этади. Бу эса вилоятларда олиб борилётган ишларни тез-тез таҳлил қилиб, у ёки бу ҳудудда қуртатган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашни, зарур ҳолларда уларни республика бўйлаб ёйишни тақозо этади. Ушбу йўналишлардаги саъй-ҳаракатлардан қониқиб ҳосил қилиш мумкинми?**

— Йиллик тақвим-режамизга кўра, йилда икки марта тизимиздаги кенгашлар ҳисобчилари учун, бир бор раислари учун семинарлар ташкил этилади ва бу анжуманларда жойлардаги ижобий янгиликлар бошқалар учун намуна этиб кўрсатилади. Масалан, Сурхондарё вилоятида вилоят ҳокимлиги қарори билан Жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашига аъзолик чипталари ташкилотларга сотилади. Уз навбатида кенгаш ҳам бу маблағлардан оқилона фойдаланиб, аъзоларнинг спорт билан шуғулланиши, турли мусобақалар учун шарт-шароитлар яратиши билан ишчи-меҳнатқашларга хизмат кўрсатяпти. Демак, Сурхондарё таърибасини бошқа жойларга ҳам татбиқ этиш лозим.

Айтинг, ким яхшироқ ишлабди? Албатта, сийхат-саломатлиги жойида бўлган киши. Бунинг учун эса жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, унга маблағни аямаслик керак. Шу ўринда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Қарори билан республика-миздаги тармоқлар касаба уюшмаси Марказий кенгашларнинг бизнинг жамият ҳисобига маблағ ўтказиши белгиланганлигини ёдга олишга тўғри келади. Бироқ кўпгина тармоқлар бу ишга, яна ҳам очик айтилган бўлса, ҳодимлари саломатлиги учун маблағ ажратишга панжа остидан қарашяпти. Биз яқинда таф-

эмас?» Сизнинг бу борадаги фикрингиз...

— Спорт жамиятимиз Низомиди ишчи-меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш асосий вазифа қилиб белгиланган, шу билан бирга, профессионал спортчилар тайёрлаш йўлида махсус мактабларимиз ишлаб турибди. Масалан, сув спорти турлари, енгил атлетика, баскетболга ихтисослашган спорт мактабларимиз республика терма жамоаларига кучли спортчилар етказиб бермоқда. Энди саволингизга келсак, футбол ҳақиқатан,

— **Ёшлик ва спорт эгизак тушунарлардир. Спорт ютуқлари асосан ёшликда қўлга киритилади. Энг муҳими эса, ёшликда бунёд этилган саломатлик қалъаси кексаликда сизни ўз ҳимоясига олади. Ёшлар йили ҳаётимизга ўзгача руҳ олиб кирганлиги ҳам шундан. Айтинг-чи, йил бошида ишлаб чиқилган дастурнинг бажарилишига қай даражада эришилди?**

— Ҳар бир янги йил номи эълон қилинганди жамиятимизда шу йил талабларидан келиб чиқиб махсус дастур тузилади. Шу жумладан, Ёшлар йилига бағишлаб ҳам қатор тадбирлар ўтказилди. Тармоқларда, тармоқлараро спартакиадада, оила саломатлигини қўллаб ташкил этилган «Отам, онам ва мен» спорт мусобақалари, хотин-қизлар ўртасида уюштирилган тадбирлар аҳоли ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёшларни кўпроқ спортга жалб этишдек ишларимизга ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда, албатта. Баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар ўртасида спорт оммавийлиги эришиш нафақат Ёшлар йилидаги устувор вазифамиз, балки филологиянинг мазмунидир.

Акмал АБДИЕВ
сухбатлашди

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинлари якунланганига икки ой бўлишига қарамай, юртимизда голиблар билан учрашувлар давом этмоқда.

ИФТИХОР



Сурхон воҳасида туғилиб ўсган доврўкли спортчи, дзюдо бўйича кумуш медалини қўлга киритган Абдулла Тангриев шарафига Сурхондарё вилоят ҳокимлигида қабул маросими бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий кураш Федерацияси раиси, халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони А.

АБДУЛЛАГА

ЎТ ТУХҒА ҚИЛИНДИ

Орипов, вилоят ҳокими Т. Жўраев, Термиз Давлат университети профессори Ж. Тошпўлатов, Бойсун туманидаги «Хўжа-булгон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х. Ганиев Абдулла Тангриевнинг ютуғи воқоа, умуман республикада спортнинг равнақига ўзига хос турки бериши ҳақида гапирдилар. Учрашув якунида А.Тангриевга Сурхондарё вилоят ҳокимлиги томонидан от туҳфа қилинди. Термиз шаҳар ҳокимлиги эса голиб спортчимизга уй-жой қуриши учун 0,12 сотих ер майдони ажратиб тўғрисидаги қарорни тошпирди.

Воқеалар ривожига учрашувлар Термиз шаҳридаги теннис кортига кўчди.

Ўз навбатида Абдулла полвон дил сўзларини куйидагича ифода этди:

— Каттиқ ҳаяжонданман. Киндик қоним томган Сурхон замини халқи ва раҳбарлари спортдаги галабамга умид қилганлиги мени қувонтирди. Насиб этса, 2012 йилда Лондонда бўладиган навбатдаги Олимпиадада олтин медал олишга ҳаракат қиламан.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» муҳбири

Спартакиадалардан жаҳон майдонларига

тиш ўтказиб, бу борадаги ишларни ўрганиб чиқдик. Масалан, жойлардаги агро-санаят мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси мутасаддилари пул тушуми йўқлигини айтишди. Машинасозлик ва металлургия санаяти ҳодимлари касаба уюшмасида ҳам шу жавоб. Бу асослими? Ахир, вилоятларда қанча заводлар ишлаяпти. Олмалиқ кон-металлургия қўшма корхонасида, Асакадаги автомобил заводи...

— **Спортнинг оммавийлигини ошириш борасида касаба уюшмаларида амалга оширилатган ишлар аллақандай ўзининг ижобий баҳосини олган. Тармоқлар ўртасида, вилоятлараро ва албатта, ЎзКУФК спорт тадбирлари хамиша зўр кўтаринкилик билан ўтади. Лекин баъзан тахриратимизга муштарийлар кўнгирак қилиб, сўраб қолишади: «Нега касаба уюшмаларининг мамлакат олий ёки биринчи лигасида ўйнайдиган кучли жамоасини тузиш мумкин**

миллионлар севган ўйин. Ҳукуматимиз томонидан ҳам бу спорт турини ривожлантириш учун қатор қарорлар чиқарилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Бирор жамоани тузишдан олдин унга зарур бўладиган шарт-шароитлар яратилса, кейин унинг келажигидан умид қилса бўлади. Сир эмас, чанги чиқиб ётган, майсалари қовжирган стадионда маҳоратли футболчилар тайёрлаб бўлмайди. Шу боис, 2009 йилдан бошлаб тизимимизда бўлган «Яккасарой» спорт мажмуаси (Тошкент шаҳри) ҳудудда замонавий талабларга мос келадиган универсал спорт саройи қурилиши бошлашни режалаштирганмиз. Шундан кейин футбол жамоаси тузишни ўйласак тўғри бўлади.



Вадим МЕНКОВ:

«2012 йилда, албатта, медал бўлади!»



Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида бир қатор янги номлар кашф этилди. Дзюдочи Ришод Собиров, эркин курашчи Сослан Тигиев, спорт гимнастикаси бўйича Антон Фокин, трюмпольнички Екатерина Хилко, байдарка ва каноэда эшак эшиш устаси Вадим Менков каби ёшларимиз ўз натижалари билан муҳлису мутахассислар диққатини тортди.

Тўрт йилдирки, касаба уюшмаси спортчиси, Вадим Менков эшак эшиш билан шуғулланади. У ҳозирга қадар икки марта Жаҳон кубоги совриндори (2006, 2008), тўрт марта китва чемпиони, бир бор Осиё ўйинлари голиби (2006), Пекинда каноэда эшак эшиш бўйича медаллар соҳиби бўлишига сониянинг мингдан бир улуши камлик қўлади.

Куни кеча Тошкент денгизда ўтган навбатдаги мусобақа — 2 ва 5 км масофаларга марафонли эшак эшиш баҳсида Вадим одатига содиқ қолди: яна биринчи ўринни ҳеч қимга бермади.

— Болалгимда футбол, кураш турларига қатнашганман, — дейди спортчи. — 2004 йилга келиб менда эшак эшиш турига қизиқиш уйғонди ва Евгений Иосифовдан илк сабоқларни олдим. Маҳоратимнинг ошишига Чирчиқ

Олимпиада захиралари коллежиди таҳсил олишим ҳам қатна улуш қўшди. Бу ерда таърибали мураббий Александр Пономарев спорт тури синоатларини ўргатди ва у киши билан ҳозирга қадар мусобақаларга бирга тайёргарлик кўрамиз.

Вадим Менков Пекин Олимпиадасида тўртинчи ўринни олди. Ваҳоланки, медал соҳиби ҳам бўлиши мумкин эди.

— 2007 йил Японияда Пекин Олимпиадасида саралаш мусобақасида голиб чиққан, бор эътиборни тайёргарликка қаратдик, — дейди Вадим. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон байдарка ва каноэда эшак эшиш Федерацияси ўқув-машгулот йиғинлари учун барча шароитларни яратиб берди. Тошкент вилоятидаги «Чорвоқ» спорт базасида шуғулландик. Бевоқос Олимпиадага тўхталмас, саралаш бахсларида кучли уличка кирганимдан сўнг совриндор бўлишим мум-

кинлигини ҳис қилдим. Бироқ унчинчи ўринни сўнгги сонияларда бой бердим. Ниятим, 2012 йил Лондонда ўтадиган XXX Олимпиада ўйинларида, албатта, медалга эришиш.

Маълумки, унча ҳам кўпмаб мусобақалар бор. 2009 йил Франция ва Полшада жаҳон кубоги, август ойда Канадада жаҳон чемпионати ўтади. Ушбу нуфузли бахсларда вакилларимиз муваффақиятли қатнашиш, Ўзбекистон байроғини юксакга кўтариш учун машқаларни ҳозирданок бошлаб юборишди. 2010 йил ўтадиган Осиё ўйинлари ҳам жуда масъулиятли мусобақа...

Ҳозирлик кўраётган спортчилар орасида касаба уюшма вакили Вадим Менков ҳам бор.

Касаба уюшма чемпионолари

А. АКМАЛОВ

К

ейинги йилларда ўзбек дзюдочилари халқаро майдонларда ўз сўзларини айтишмоқда. Буни Пекин Олимпиадасида Абдулла Тангриевнинг кумуш, Ришод Собировнинг бронза медалига эришгани ҳам исботлаб турибди.

Олимпиада ўйинлари иштирокчилари орасида касаба уюшма спортчиси Мирали Шарипов ҳам бор эди. У — Бухородан.

Полвонлар юрти бўлган Бухорои шарифда ўғлонлар дастлаб қайси спорт турига бориши мумкин? Албатта, курашга-да. Мирали 1-синфлигидаёқ мураббий Хасан Қосимов залига дзюдо кураши сирларини ўрганиш учун қатнай бошлади. Тенгқуларидан ажририли билан ажралиб турадиган ёш полвонни 4-синфга ўтганида Бухоро Олимпиада захиралари билан юртига қабул қилишди. 2000 йил Республика биринчилигида унчинчи ўринни эгаллаган жаҳон кубоги, август ойда Канадада жаҳон чемпионати ўтади. Ушбу нуфузли бахсларда вакилларимиз муваффақиятли қатнашиш, Ўзбекистон байроғини юксакга кўтариш учун машқаларни ҳозирданок бошлаб юборишди. 2010 йил ўтадиган Осиё ўйинлари ҳам жуда масъулиятли мусобақа...

Мирали таърибали мураббийлар назарига тушибди ва ўқишини 8-синфдан Чирчиқ Олимпиада захиралари коллежига кўчирди. Бу ерда ўз ишининг усталари кўп эди. Мирали ўнлаб Республика чемпионларини тайёрлаган Сервер Мурадасилов кўл остида шуғуллана бошлади. Дастлаб ўсмирлар, сўнгра ёшлар ўртасида Республика биринчилигида голиб чиқди. 2005 йилдан катталар ўртасидаги бахсларга қўшилган Шарипов 2007 йилда 66

Мирали ШАРИПОВ:



«Спортчининг бахти — юртини шарафлашда!»

кг. вазн тоифасида мамлакат чемпиони бўлиб, миллий терма жамоа аъзосига айланди. Қозоғистонда ўтган халқаро турнирдаги 3-ўрин эса унга Пекин Олимпиадаси йўлланмасини тақдим этди.

— Олимпиада олдидан Истамбулда ўтган халқаро турнирда 73 кг. вазнда иштирок этдим ва 5-ўрин насиб этди. Турли ўқув-машгулот йиғинлари ташкил этилди, — дейди Мирали Шарипов. — Хитойда Испания, Жазоир вакилларини ютдим. Унчинчи жангимда япониялик таърибали курашчи, икки қарра Олимпиада чемпиони юта туриб, сўнгги сонияларда галабани бой бердим. Унинг

тажрибаси шу ерда асқотди. Тўртинчи баҳсда эронлик жаҳон чемпиони Мирисмоил Арашани, бешинчи беллашувда Миср терма жамоаси аъзосини мағлуб этдим. 3-ўрин

кучлилар орасида кучли бўлиб воёга етишига ҳисса қўшаётган бўлса, не ажаб. Ахир, «ковун-ковундан ранг олади-да». Шарипов шу билан бирга ўқиб-ўсган жонаҳон коллежиди йўриқчи-усулчи бўлиб ҳам ишлаяпти.

Яқинда Япониянинг Токио шаҳрида жаҳон чемпионати ўтди. Унда ҳар бир китъанинг энг кучли терма жамоалари қатнашди. Масалан, Осиёдан Япония, Жанубий Корея, Ўзбекистон жамоалари бундай шарафга муваффақ бўлишди. Полвонларимиз финалгача чиқди ва бу босқичда Грузия термаси билан куч синишиб, имкониятни 4:2 ҳисобида бой берди. Шу ўринда ҳисобимиздаги икки очко айнан Абдулла Тангриев ва Мирали Шарипов галабалари эвазига қўлга киритилганини таъкидлашни истардим.

— Мураббийлар Андрей Штурбабин, Евгений Пятаев, Сервер Мурадасиловнинг фидойи хизматлари, турли халқаро турнирларда қатнашишимиз, ўқув-машгулот йиғинларида яратилган шароитлар туфайли дзюдочиларимиз натижаларида ўсиш кўзга ташланяпти, — таъкидлайди Шарипов. — Бу спорт рақобатини кучайтиради ва голиб чиқиш учун ўз устимизда кўпроқ ишлаш талаб этилади.

Ҳар куни икки маҳалдан шуғулланамиз. 2009 йил феврал ойида Франциянинг Париж шаҳрида ўтадиган халқаро турнирда қатнашишимиз керак. Ушбу йил Голландияда жаҳон чемпионати ўтиши белгиланган. Кейин 2010 йилги Осиё ўйинлари, Лондон Олимпиадаси... Демак, тайёргарликни бугундан бошлашга тўғри келади.

Мирали Чирчиқ Олимпиада захиралари коллежини тугатиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ўқишга кирди. Бу ерда Абдулла Тангриев, Шокир Муминов, Лазиз Йўлдошев каби терма жамоа аъзоларининг таҳсил олиши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, дзюдо устози Александр Истоминнинг жисмоний тарбия кафедраси мудири эканлиги Миралининг

Шокиржон Қорабоев чинакамга спорт жонқуярларидан. Ёшлигида «Пахтакор» таркибиди тўп сурган. Қачон учрашмайлик, гап айланиб, спортга бериб талқалади. Яқинда кўришганимизда ҳам:

— Ақа, эшитдингизми, уйчилик қизимиз Замира Усмонова мамлакат чемпионатида каратэнинг барча йўналишларида катта ютуққа эришди, — деб қолди.

Бундан икки йил аввал пойтахтда ўтказилган ва «загнори экран» орқали намойиш этилган беллашув, унда Марказий Осиё республикаларида яшовчи қизлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада голибликни эгаллаган қора кўз, қора қош, чаққонгина қиз дэрров кўз олдимида келди. Замира Шокиржон тилга олган беллашувда яна бир бор ўз вазни бўйича тенгсиз каратэчи эканлигини намойиш этди. Барча рақиблирини мағлубиятга уч-

Уйчилик Осиё чемпиони

ратиб, Осиё чемпиони деган юксак унвонни ўзида сақлаб қолди. Қозоғистонлик номдор рақиби, анча гавдали бўлса-да, таслим бўлганини тан олди. 1997 йилда Осиё давлатларининг каратэчи қизлари орасида бўлиб ўтган беллашувда голибликни эгаллаган Замира Усмонова мана неча йилдирки чемпионлиги унвонини сақлаб келаяпти.

...Замира Усмонованинг спортга кириб келиши қизиқ бўлган. Унда хали еттинчи синфда ўқирди. Бир сафар онаси сахарлаб туриб патор ёпди-да, уни уйғотиб:

— Ҳалимаҳон холанг қизини узатганидан хабаринг бор. Буғун

«чақирди» қияляпти. Шунга атаб патор ёпганимиз. Ўзим боришга оёғим ярамаляпти. Ташлаб келгин, — деди.

Замира онаси айтган топшириқни бажариб қайтаётганида Халимаҳон хола челақка тўлдириб олма солиб берди. Йўқ деганига қарамай қўлига мажбурлаб тутқазди.

— Укаларингга олиб боргин. Шаҳарда яшайсизлар, — деб қўймади.

Йўлда икки-уч бола ярим ҳазил, ярим чин, қабилида олманинг ярмидан қўпини олиб қўйишди. Кўп олма есанг, тишинг оғриб қола-

ди, деб масҳара қилишгани, айникса, алам қилди.

Қизнинг шунақа жаҳли, чиқдики, агар кучи етганида эдавонларнинг адабини бериб қўярди. Челақни эдавонлар ордидан ирдириб олди.

— Хали қараб турларинг, адабларингни бериб қўяман...

Ҳар нарсага бир нарса сабаб, деганларидек, Замира Усмонова эртасига мактабдаги каратэ тўғралиги ёзилди. Тенгсиз қизлар ва болаларнинг чекка-чеккадан қулишларига эътибор бермади. Устозининг барча кўрсатмалари ва

талабларини бажаришга интилди. Ҳатто, онаси «Қизим, каратэни ўрганиб нима қилсан, қайинанг билан уришасанми?» деб ҳазил қилганида, «мени ранжитганлариди индамасдан кетмайман», — дея жавоб қайтарди.

Интилганга толе ёр. Олдинига мактаб ва мактаблараро беллашувда иштирок этиб юрган қиз кўп ўтмай туман ва туманлараро, вилоят ва вилоятлараро, ундан кейинроқ эса мамлакат ва мамлакатлараро мусобақаларда салмоқли натижаларга эришиб голиблик шохсупасига кўтарилди.

Бугунги кунда Замира Уйчи туманидаги спорт коллежиди ёшлар каратэ йўналиши бўйича устоз-

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» муҳбири

Юлдузларимиз

«Бўстон» санаторийси 80 ёшда

Республикамиз санаторийлари орасида «Бўстон» ўз таровати билан ажралиб туради. Бу ерга келган одам дардга бегона, сеvimли гўшага эса бир умрга ошно бўлиб қолади. Санаторий худудидан оқиб ўтаётган ариқчадаги сув кўнглингиз губорларини ҳам ювиб кетаётгандек. Зеро, бу ерда фаолият кўрсатаётган 48 нафар тиббиёт ходимининг мақсади ҳам шу.

1928 йили дам олиш уйи сифатида ташкил этилган «Бўстон» 1941 — 1946-йиллари ҳарбий госпитал вазифини ўтади. 1979 йилдан эса пансионатга айланган. Қўшимча муолажа турлари йўлга қўйилганлиги сабабли 1994 йилдан «Бўстон санаторийси» деб номланди. 1990 йили бу ерда даволаш-балнеология бўлими ишга туширилди. Бу янгилик натижасида дам олувчиларнинг сафи кенгайиб борди. Кейинчалик замонавий сув би-

лан даволаш комплекси қурилди. 2005 йили Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бевосита ёрдамида 1 млрд. 184 млн. сўмлик маблаг ҳисобига 1-ётоқ биноси ва овқатланиш зали тўлиқ таъмирланди, керакли жиҳозлар харид қилинди. Санаторий шу йилдан 204 ўринга мўлжалланиб, юрак-қон томир, гинекологик, асаб ва урولوлик касалликларни даволашга ихтисослаштирилди. Қўқаламзорлаштириш ишларига ҳам катта аҳамият берилди, кичик ҳайвонот боғи, теннис корти қурилди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиши ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтилиши туфайли



2005 йил декабр ойидан санаторий масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. 2006 — 2008-йиллари гирдоте-рапия хонаси, уролог ва ЛОР шифокорлари хоналари ташкил қилинди. Жорий йилда тренажёр зали очилди. Беморларни дори-дармон, физиотерапия муолажалари ёрдамида даволаш билан бирга мусика-мело ва арома терапия усулларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

2005 йили ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари санаторийи яна бир бор мамлакат миқёсида танитди. Чунки бу тадбир мез-

бони айнан «Бўстон санаторийси» эди. Жамоа бундай муҳим тадбирлар мезбони сифатидагина эмас, иштирокчиси сифатида ҳам ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўтган йил якуни бўйича у «Йилнинг энг яхши санаторийси» номига сазовор бўлганлиги фикримизнинг далилидир.

Охири йилларда санаторий киши таътилда кам таъминланган оилаларнинг болаларини дам олдириш ҳамда иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва меҳнат фахрийларини даволашдаги хизматлари учун Россиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фарид Мухамедшин томонидан бир неча бор тақдирланган.

Кишиларга тан ва кўнгли саломатлигини улашиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган «Бўстон санаторийси» МЧЖга 80 ёш қўтлуғ бўлсин, ана шу қўт яхши ишлар ривожига хизмат қилаверсин деб қоламиз!

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Солиқ ва ҳаёт

Нақд пул тушумига эга бўлган ҳўжалик субъектлари сони қанчалик кўп бўлса, уларнинг фаолият даражаси шунчалар кенгайиб, мамлакат иқтисодиёти мустақамланиб бораверади. Бу борада амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши мўҳим аҳамиятга эга.

Нақд пул

Ижтимоий муаммолар ечимида муҳим аҳамиятга эга

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк маълумотларига кўра, ўз вақтида савдо ва хизмат кўрсатишдан тушган нақд пуллари банк кассаларига топширмасдан келаётган ҳўжалик субъектларида 4664 та ҳўлатда хронометражлар ўтказилиб, 1279,4 миллион сўм нақд пул маблағлари қўшимча равишда банк кассаларига жалб қилинди. 330 та шохобчада савдо қондалари риоя қилиниши бўйича қисқа муддатли текширишлар ўтказилиб, қонунбузарликларга нисбатан чоралар қўрилди. 252 та ҳўжалик субъектида НКМ ва қвтанциядан фойдаланмасдан савдо амалга оширилган бўлса, 99 та ҳўжалик субъекти томонидан савдо ва хизмат кўрсатишдан тушган нақд пул маблағлари банк кассаларига топширилмаган. Шунингдек, кириш қилинмаган товарларни сотиб фаолият юритиш ҳўлатлари аниқланди.

Қонунбузарликлар бўйича тўлланган материаллардан 47 таси жиноят аломатлари мавжудлиги учун ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўтказилди. Қондабузарликларга йўл қўйган 281 нафар шахсга нисбатан жойлардаги Давлат солиқ инспекциялари томонидан 21,3 миллион сўм маъмурий жарима қораси қўлланилди.

Банк муассасалари маълумотлари асосида ўтказилган қисқа муддатли текширишларда Қарши шаҳридаги «Тўла бобо» ҳўсусий фирмасига қарашли Чойхонада фирма раҳбари М.Раҳматовга томонидан ҳазинадаги 145 минг сўмлик нақд савдо пули НКМга кириш қилинмаганлиги, 30099,5 минг сўм савдо пули НКМга кириш қилинмасдан банк кассасига топширилганлиги ҳамда 23,1

минг сўмлик ҳўжатсиз товарлар борлиги аниқланди. Шунингдек, Қашаи туманидаги «Навбахор» МЧЖга қарашли чойхонада жорий йилнинг август ойда текшириш ўтказилганда, 653,5 минг сўм савдо пули НКМга кириш қилинмасдан банк кассасига топширилганлиги, 782,7 минг сўмлик ҳўжатсиз товарлар ҳамда 899 минг сўмлик алкоғолли маҳсулотлар сотилаётганлиги маълум бўлди. Ҳўзор туманидаги «Майсара» ҳўсусий фирмасига қарашли савдо дўконида ўтказилган хронометраж натижасида ўртача кушлик тушум 1200 минг сўм, «Фаррух» ҳўсусий фирмасида 918,5 минг сўмга, Чирочки туманидаги «Само» ҳўсусий фирмасида 655 минг сўмга, Қарши шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор И.Бобоқоловага тегишли савдо дўконида 111,6 минг сўмга ошганлиги кузатилди.

Айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан жиний ҳўлатлар икки ва ундан ортқ мазта тақорланаётганлиги жуда аниқ нарлидир. Нақд пул тушуми, одамларнинг иш ҳақи, пенсия ва стипендия пуллари ўз вақтида олишларини кафолатлайди. Бинобарин, муносабат ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи



Дикқат — Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

Ёнгин қаерда юз бермасин, мудҳиш из қолдиради. Қанчадан-қанча одамлар бошпанасиз қолади, саломатлигини йўқотади, айрим-айрим ҳўлатларнинг олди олинади. Айниқса, қиш кунлари уйлардаги печларнинг тутун йўли ёнгинга қарши қургут қақиш қатъиян таъқиқланади. Шунингдек, ёниб турган газ плитасини қаровсиз қолдириш, устига қийим-кечакларни қуритиш учун илшнинг оқибати яхши эмас. Қўлбола электр печлардан фойдаланиш ҳам хавфни оширади. Носоз электр тармоғидаги қисқа туташув ёнгин чиқариши мумкин.

Болаларнинг олов билан ўйнаши, хавфсизлик қондаларига риоя этмаслиги бу борадаги эҳтиётсизликлардан биридир. Шунинг учун соҳа ходимлари томонидан аҳоли ўртасида, мактаб ва боғчаларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Киши ўзини, яқинларини, мулкни ёнгиндан асраш учун эҳтиёт чораларини доимо ёдда тутиши шарт.

Ф. ҲАСАНОВ,
12-ҲЕҲО кичик инспектори, сафдор

Олов тилсиз ёв

Қиш чилласи, изғирин. Фарида ётиш олдидан газ плиталарини ёқиб қўйди. Духовка бургаичини буради-ю ёқишни унутиб, ётоқхонасига кириб кетди. Қаттиқ чарчагани боис дарҳол уйку эликти. Алок-чалок тушлар кўриб, алламаҳалда уйғонди. Алпақандай исдан кўнгли айниб ўқиб юборди. Югуриб ўрнидан турди ва ўйлаб-нетиб ўтирмай электр ёққични босди. Орадан лаҳза ўтмади, қўққисдан содир бўлган портлаш осойишталики бузиб юборди. Бирпасда уй ёниб қулга айланди, жумладан, Фарида ҳам...

Эҳтиёткорни Яратган ҳам асрайди, дейишади. Рост гап, маълумки, қиш қиличнини қайраб келаётир. Демак, унга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади. Масалан, газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиш мақсадга мувофиқ. Мўрилар қаида йилга бир марта тозаланиши лозим. Иситиш тизимини мунтазам назорат қилмаслик, печка ва газ плиталари турган жойда бензин, керосин каби суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, болаларнинг гугурт билан ўйнашига рухсат бериш, кўнглисизликларнинг бош омили бўлиши мумкин. Шунингдек, ўчқун теккан захоти ўт оладиган баъзи нарса-лар борки, уларни иситиш асбоблари ёнига қўйиш жуда хавфли. Лақ, бўёқ, мебел, синтетик либослар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда кўп қўлланадиган кимевий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган буюмлар тез ёнади, шу билан бирга, зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради. Газ печкаларини уч соатдан ортқ узлуксиз ёқиб қўйиш асло мумкин эмас. Турар-жой биналари томида хашак, ўтин ва шу каби нарсаларни сақлаш қатъиян ман қилинади.

Олов — тилсиз ёв. Хонадонларда, жамоат жойларида ёнгинга қарши барча эҳтиёт чораларини кўриш, бунда эса ўт ўчирувчиларнинг маслаҳатларига таяниш зарур.

Улуғбек РАЗЗОҚОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси 12-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди 12-алоҳида пости бошлиғи, капитан

Хат ортида инсон бор

Қашқадарё вилояти қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳўқуқий манфаатларини ҳимоялашга изчил ёндошаётгани ўз самарасини бераётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг 166 та ёзма ва оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилиб, уларнинг 112 таси ижобий ҳал этилди.

Ағолат тиклангди

Қаршилиқ Дилором Умидова меҳнат вазифини бажараётганида жароҳатланган турмуш ўртоғи Дилшод Бўроновнинг (у илгари ишлаган «Қаршиирмонтаж» масъулияти чекланган жамияти томонидан) соғлиғига етказилган зарар юзасидан тоvon пули тўланаётганлиги ҳўсусида вилоят қасба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилди. Аризани ўрганиш асосида, ҳақиқатан ҳам ҳўжалик субъекти томонидан меҳнат қонунчилиги бузилганлиги аниқланди. Нихоят, қасба уюшма аралашувида сўнг, жамият томонидан 317 минг сўм миқдоридида зарар тўловлари Д.Бўроновнинг Асака банки вилоят бўлимидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Яна бир мисол. Агрое-ноат мажмуи ходимлари қасба уюшмаси вилоят кенгашига Қосон тумани пахта тозалаш очқ ҳиссадорлик жамияти ишчиси Маърифат Муродова маъмурият томонидан меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинганлигини билдириб, ишга тикланишига кўмак сурагани. Кенгаш томонидан махсус комиссия тузилиб, М.Муродованинг шикоят хати бошланғич қасба уюшма ташкилоти раҳбари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Маълум бўлдики, иш бевуви томонидан қасба уюшма аъзосининг ҳўқуқлари ҳисобга олинмаган ва меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинган.

Ҳўсусан, мавжуд ҳўжатларга асосан жамият маъмуриятига Маърифат Муродовани ишга қайта тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун унга иш ҳақи ундириш ҳақида тақдимнома киритилди. Натижада, ходим ўз ишига тикланди.

Тўлқин ЗОИРОВ,
ҳўқуқшунос

Тадбир



Ёшларга Ғамхўрлик

Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, таълим ва фан ходимлари қасба уюшмаси Марказий ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги олдидан Ўзбек Миллий академик драма театрида «Халқаро талабалар кўни» ҳамда «Халқаро ногиронлар кўни»га бағишлаб байрам тадбири ўтказилди.

Таълим ва фан ходимлари қасба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфида 15 та олий ўқув юрти, 11 та туман кенгаши ва 1 та Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳўнар таълими бошқармаси бирлашган қасба уюшмаси мавжуд бўлиб, талабалар сони 68031 нафарни ташкил этади. Улар орасида 254 нафар ногирон, 221 нафар боқувчини йўқотган ҳамда 2267 нафар кам таъминланган талабалар бор.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 260 нафар, касб-ҳўнар коллежлари, академик лицейлардаги 120 нафар ота-онасиз, кам таъминланган, ногирон талабага совғалар топширилди. Шунингдек, 32 нафар иқтидорли талаба таълим ва фан ходимлари қасба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 2008-2009 ўқув йили учун таъсис этилган «Махсус устама стипендиаси» билан тақдирланди. 14 нафар боқувчисини йўқотган талабанинг эса бир йиллик ўқуши учун шартнома маблағи тўлаб берилди.

— 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб номланиши бизга кенг имкониятлар очиб берди, — дейди ЎзМУ хорижий филология факультети талабаси, Марказий кенгаш стипендиаси соҳибаси Мухтасар Охундаева. — Илмий изланишимизга шарт-шароитлар яратилди. Қолаверса, ёшларни ижтимоий-иқтисодий, ҳўқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб, рағбатлантириб бораётган қасба уюшмаларига ёшлар номидан миннатдорчилик билдираман.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ёшлар йили муносабати билан...

«Талабанинг бўш вақти йўқ»

Ушбу номда Таълим ва фан ходимлари қасба уюшмаси Фаргона вилоят кенгаши томонидан «Халқаро талабалар кўни» муносабати билан вилоятнинг олий ўқув юрти талабалари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Тадбирда қатнашган таълим ва фан ходимлари қасба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Собирхон Саидхўжаев талабалар билан мулоқот чоғида мамлакатимизда таълимга қаратилган алоҳида эътибор ҳамда қасба уюшмаларининг роли ҳақида гапирди. Шунингдек, у келгусида миллий мафкура тарғиботини тўғри йўлга қўйиш мақсадида қасба уюшмаси ва ёшлар ташкилотлари ҳамкорликда фаолият юритишлари, мамлакатимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳат уюштиришлари кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бир вақтнинг ўзида Фаргона давлат университети, Фаргона давлат политехника институти ва Қўқон давлат педагогика институти маданият саройларида ўтказилган кўрик-танлов ҳамда байрам концертида мингга яқин ёшлар қатнашди. Танловда дарсдан бўш вақтларида қасба уюшмаси, хўнарманчилик ва санъатнинг турли йўналишларида фаолият юритаётган ёшлар иқтидорига баҳо берилди.

Фаргона давлат университетида ўтказилган танловда гуманитар факультети талабалари голибликни қўлга киритиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ҳар учала олий ўқув юртлари талабалари турар-жойларида таълим ва фан ходимлари қасба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан телевизорлар совға қилинди.

Тадбирлар сўнгида бир гуруҳ талабаларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан таъсис этилган устама стипендияларнинг «Гўвоҳнома»лари тантанали топширилди.

У. ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



